



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 21 » dekabr

№ 767

Toshkent sh.

Халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси га хорижий давлатлардан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига жўнатиладиган халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси га хорижий давлатлардан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига жўнатиладиган халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви тартибини назарда тутувчи **Халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қиласди норматив-хуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси А.Ю. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 21” декабрдаги 767-сон қарорига
илова

**Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати
ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси божхона худудига хорижий давлатлардан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига жўнатиладиган халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг қоидалари ёзма хат-хабарлар (майда пакетлардан ташқари), дипломатик ва консуллик почта қопларига нисбатан татбиқ этилмайди, қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

почта алоқаси оператори – мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгалик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

почта алоқаси провайдери – фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

халқаро курьерлик жўнатмалари – қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб берилган (топширилган) ҳолда амалга ошириладиган почта варақчалари, хатлар, бандероллар, босма нашрлар ва бошқа жўнатмалар;

халқаро почта алмашинуви жойи – кирувчи ва чиқувчи халқаро почта жўнатмаларига тўлиқ қайта ишлов берувчи, шунингдек, уларни манзил бўйича жўнатувчи миллий почта алоқа операторининг алоҳида бўлинмаси;

халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари бўйича божхона назорати ва расмийлаштируви – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона худудига хорижий давлатлардан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига жўнатиладиган жўнатмалар назорати ва расмийлаштирувини хавфни бошқариш тизимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

халқаро почта жўнатмалари –манзили кўрсатилган тегишли қадокдаги ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар ва бошқа жўнатмалар;

шахсий эҳтиёжлар учун товарлар – жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган шахсий, оилавий (ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) эҳтиёжлари учун мўлжалланган ҳамда тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган товарлар;

тижорат мақсадлари учун товарлар – божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар.

4. Халқаро почта жўнатмаларига ишлов бериш, уларни божхона органлари томонидан назорат қилиш, шунингдек, тайинланган жойга жўнатиш почта алоқаси соҳасидаги маҳсус ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланадиган халқаро почта алмашинуви жойларида амалга оширилади.

Халқаро куръерлик жўнатмаларига ишлов бериш, уларни божхона органлари томонидан назорат қилиш, шунингдек, тайинланган жойга жўнатиш:

темир йўл ва автомобиль транспорти орқали етказишида – маҳсус белгиланган божхона постларида;

хаво транспорти орқали етказишида – халқаро аэропортлар ёки уларга яқин ҳудудларда жойлашган божхона постларида амалга оширилади.

5. Халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларида (кейинги ўринларда – жўнатмалар) юбориладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қабул қилувчилар ёки жўнатувчилар қайси божхона органининг фаолият кўрсатиши зonasida турган бўлса, ўша божхона органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Божхона расмийлаштирувидан ўтиши лозим бўлган жўнатмалар ушбу божхона органигача божхона назорати остида етказилади.

6. Барча жўнатмаларга Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари, ушбу Низом қоидалари ва Умумжаҳон почта иттифоқи актлари асосида белгиланган тартиблар, тақиқлар ва чекловлар татбиқ этилади.

7. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган жўнатмаларда юбориладиган товарлар божхона назоратидан ўтказилади. Жўнатмаларни божхона назоратидан ўтказмасдан қабул қилувчиларга бериш ёки божхона ҳудудидан ташқарига жўнатиш таъқиқланади.

8. Жўнатмаларнинг божхона назорати келтириладиган жўнатмалар учун божхона чегарасини кесиб ўтиши билан, олиб чиқиладиган жўнатмалар учун эса божхона декларацияси қабул қилинган вақтдан бошланган ҳисобланади.

Жўнатмаларнинг божхона назорати олиб киришда божхона органлари томонидан чиқаришга рухсат берилганда ёки олиб чиқишида божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида якунланади.

9. Четдан келтириладиган жўнатмалар божхона назорати зонасига Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 218-моддасида белгиланган тартибда етказилиши лозим.

10. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимлари томонидан транспорт ташкилотлари вакилларига жўнатмалар топширилиши ва транспорт ташкилотлари вакилларидан почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимлари томонидан жўнатмалар қабул қилиниши божхона органининг мансабдор шахси иштирокида амалга оширилади.

11. Қўйидаги ҳужжатларга жўнатмалар бўйича божхона декларацияси сифатида қаралади:

жисмоний шахсларнинг манзилига нотижорат мақсадларда, шунингдек, юридик шахслар манзилига қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача бўлган миқдордаги халқаро почта жўнатмаларида юбориладиган товарлар учун – Умумжаҳон почта иттифоқининг актларида назарда тутилган ҳужжатлар;

жисмоний шахсларнинг манзилига нотижорат мақсадларда, шунингдек, юридик шахслар манзилига қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача бўлган миқдордаги халқаро куръерлик жўнатмаларида юбориладиган товарлар учун – тижорат ҳужжатлари.

Бошқа ҳолларда жўнатмаларда юбориладиган товарларни декларациялаш божхона юк декларациясини бериш орқали амалга оширилади.

Жўнатмаларда олиб чиқиладиган, божхона юк декларацияси берилиши лозим бўлган товарларни декларациялаш мазкур товарлар почта алоқаси ташкилотлари топширилаётганда амалга оширилади.

12. Ҳар бир халқаро куръерлик жўнатмалари бўйича почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари томонидан божхона органларига божхона декларацияси (бевосита халқаро куръерлик жўнатмасига ёпиштирилган бўлиши лозим), мазкур Низомга 1-иловада келтирилган шаклда манифест ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган дастлабки электрон шаклдаги ахборот (кейинги ўринларида – дастлабки ахборот) тақдим этилади.

Дастлабки ахборотнинг божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан мувофиқлигига халқаро куръерлик жўнатмалари бўйича почта алоқаси операторлари ва провайдерлари масъул ҳисобланади.

Дастлабки ахборотнинг божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан номувофиқлиги аниқланганда ёхуд дастлабки ахборот мавжуд бўлмаганда, божхона қонунчилик ҳужжатларида белгиланган божхона назорати шакллари қўлланилади.

Дастлабки ахборот мавжуд бўлмаганда ёки қисман тақдим этилганда, халқаро куръерлик жўнатмаларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви ахборот божхона органларига почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари томонидан тўлиқ тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

Дастлабки ахборот мавжуд бўлганда ва улар божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан мувофиқ бўлса ҳамда божхона назоратини амалга оширгандан сўнг бирор-бир тафовут аниқланмаса, божхона расмийлаштируви божхона органларининг ахборот тизимлари орқали электрон равища амалга оширилади.

13. Келтирилган жўнатмалар почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан божхона органининг мансабдор шахси иштирокида очилади.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари божхона кўздан кечиравини ҳамда божхона кўригини ўтказиш учун божхона органларига жўнатмаларни тақдим этади.

Божхона органларига божхона кўздан кечирави ва божхона кўриги учун хатлар, почта карточкалари ва секограммалар тақдим этилмайди, халқаро жўнатмаларда тегишинча божхона худудига олиб кирилиши ёки ушбу худуддан олиб чиқилиши қонунчилик ҳужжатларида тақиқланган ёки чекланган товарлар мавжуд деб ҳисоблаш учун божхона органларида етарли асослар мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона назоратига тақдим этилган жўнатмаларни очиш, ҳужжатли солишириш, тортиш, қадоклаш ҳамда юборилаётган буюмларни почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимлари томонидан санаш, ўлчаш ҳамда тортиш божхона органи мансабдор шахси иштирокида амалга оширилади.

14. Жўнатмаларни очиш орқали божхона кўригидан ўтказиш божхона органининг мансабдор шахси ва почта алоқаси оператори ёки провайдерининг икки нафар ходими томонидан амалга оширилади.

Жўнатмалар божхона кўригидан ўтказилаётганда, уларнинг микдорида фарқлар, жойланмаларида номувофиқликлар ҳамда божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг бошқа ҳоллари аниқланган тақдирда, белгиланган тартибда шакллантирилиб, тўлдирилган божхона кўриги далолатномаси божхона кўригини амалга оширган почта алоқаси оператори ёки провайдерининг ходимлари ҳамда божхона органи мансабдор шахси томонидан имзоланиб расмийлаштирилади.

15. Ўзбекистон Республикаси божхона худудига киритилган ва республика божхона худудидан олиб чиқилган, муайян сабабларга кўра орқага қайтарилган жўнатмалар божхона органи томонидан мажбурий тартибда божхона кўригидан ўказилади.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракатланаётган жўнатмаларнинг божхона назорати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 116-120-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Бошқа давлат органларининг (ветеринар, карантин ва бошқалар) назоратидан ўтиши лозим бўлган жўнатмаларнинг божхона расмийлаштируви тегишли кузатув ҳужжатларига ушбу органларнинг чиқариш тўғрисидаги белгиси қўйилгандан кейин ёки рухсат этувчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг яқунланади.

18. Божхона назорати зонасидан божхона чегараси ташқарисига чиқарилаётган жўнатмалар божхона органи томонидан кузатув ҳужжатларига штамп ва муҳр босиш орқали амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига хорижий давлатлардан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига жўнатиладиган халқаро почта ва куръерлик жўнатмаларининг божхона назорати ва расмийлаштируви ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда келтирилган схемаларга мувофиқ юборилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтирилаётган жўнатмаларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиши

20. Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган жойларда жўнатмаларнинг божхона назоратини амалга оширишда товарлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловларига тортилмайдиган бўлса, божхона органи томонидан божхона декларацияси расмийлаштирилади ва кейинги манзилга йўналтириш ҳамда қабул қилувчига топшириш учун почта алоқаси оператори ёки провайдери ходимларига топширилади.

21. Қабул қилувчи шахс жўнатмани олишдан воз кечганда, кўрсатилган манзилда бўлмагандა, саклаш муддати тугаганда, манзили тўлиқ кўрсатилмагандა ёки нотўғри кўрсатилганда, почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан ушбу жўнатмаларни ортга қайтариш чоралари кўрилади.

22. Жўнатмалар ичida тижорат мақсадида олиб келинган деб қаралган товарлар мавжуд бўлганда, божхона расмийлаштируви тегишли тартибда амалга оширилади.

23. Жўнатмалар орқали юборилган товарлар бўйича божхона тўловлари ваколатли шахс томонидан тўланади.

Жўнатмалардаги товарлар тадбиркорлик ёки бошқа тижорат мақсадларида олиб келинган тақдирда, уларга нисбатан божхона қонунчилик ҳужжатларидан белгиланган божхона расмийлаштирувининг умумий қоидалари олиб ўтилаётган товарларнинг умумий миқдорига нисбатан қўлланилади.

Жўнатмалардаги товарлар миқдори ёки қиймати жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни шахсий эҳтиёжлар учун божхона тўловлари тўламасдан олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатуроси кодидан ва келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, товарларнинг барча тоифалари бўйича божхона қийматидан ва (ёки) оғирлигидан келиб чиқиб, олиб кириш меъёрларидан ортиқ қисмига нисбатан ягона божхона тўлови ундирилади.

Товарларга нисбатан ҳисобланган божхона тўловлари тўлангандан сўнг жўнатмалар ваколатли шахсга топширилади.

24. Божхона юқ декларациясини тақдим этиш талаб қилинмайдиган товарлар учун божхона тўловлари божхона кирим ордеридан фойдаланган ҳолда

ундирилади. Божхона тўловларини ҳисоблаш ва божхона кирим ордерини тўлдириш божхона органининг мансабдор шахси томонидан амалга оширилади.

25. Божхона юк декларациясини тақдим этиш талаб қилинмайдиган товарлар учун божхона тўловлари суммасини ҳисоблаш божхона мақсадлари учун фойдаланиладиган Умумжаҳон почта иттифоқининг актларида назарда тутилган хужжатлар ҳамда тижорат хужжатлари асосида амалга оширилади.

Товарларнинг қиймати тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда ёки товарларнинг нархи асоссиз пасайтирилиб кўрсатилганда, товарларнинг божхона қиймати божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 164-моддаси талабларига мувофиқ аниқланади ҳамда божхона тўловларини ҳисоблаш ва уларни тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Жўнатмаларнинг божхона расмийлаштируви, божхона органлари томонидан қонунчилик хужжатларига мувофиқ ҳисобланган божхона тўловлари ушбу Низом 23-25-бандларида белгиланган тартибда бундай жўнатмаларни қабул қилиб олувчилар томонидан тўлангандан кейин амалга оширилади.

Божхона тўловлари ҳисобланган халқаро почта жўнатмаларини олувчилар божхона назорати амалга оширилаётган худуддан бошқа худудда жойлашган тақдирда, жўнатмалар юк олувчи жойлашган тегишли худудий почта алоқа ташкилотига белгиланган тартибда божхона назорати остида юборилади.

Божхона тўловлари ҳисобланган халқаро курьерлик жўнатмаларини қабул қилувчилар божхона назорати амалга оширилаётган худуддан бошқа худудда жойлашган тақдирда, бундай жўнатмалар божхона назорати остида қабул қилувчининг жойлашган худудидаги божхона органига белгиланган тартибда етказиб берилади.

3-боб. Ўзбекистон Республикасидан юборилаётган жўнатмаларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш

27. Юбориладиган жўнатмаларга ишлов бериш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси худудида улар жўнатувчилардан божхона назорати зоналарида қабул қилиб олинишида бошланади.

28. Ҳар бир жўнатувчи жўнатмаларни почта алоқаси операторлари ва провайдерларига топширишдан олдин амалдаги қоидалар билан танишиб чиқишига ва юк кузатув хужжатларини белгиланган шаклда тўлдиришга мажбур.

Жўнатмалар жўнатувчи томонидан амалдаги қоидаларга биноан ушбу жараёнларни назорат қилиш юклатилган почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари ходими иштирокида қадокланади.

29. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан қабул қилинган чиқувчи жўнатмалар кузатув хужжатлари билан бирга божхона

назорат зонасига тушади ва уларни тортиш, дастлабки ажратиш ва юкхати ёзиш бўлинмаларига топширилади.

Ажратиш бўлинмаларидан жўнатмалар қузатув ҳужжатлари билан бирга божхона назоратидан ўтказиш учун қабул қилинади.

30. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ходимлари томонидан божхона органи ходими билан биргаликда жўнатмаларнинг қузатув ҳужжатлари олдиндан текшириб чиқилади ва жўнатиш тақиқланган буюмлар эгасига қайтариш учун ажратилади. Ушбу жўнатмаларнинг қузатув ҳужжатларида қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли хизматлар томонидан белги кўйилади.

31. Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан жўнатилаётган жўнатмалар юридик шахслар, почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан божхона расмийлаштируви тугагандан сўнг қабул қилинади.

32. Экспорт қилувчилар Ўзбекистон Республикасининг банкларидағи ўз хисобварақларига тўлиқ тўлов келиб тушгандан кейин ва ушбу маълумотларни Ташқи савдо операцияларнинг ягона электрон ахборот тизимиға киритгандан сўнг экспорт шартномалари тузмасдан, интернет-дўконлари орқали товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт қилиш ҳукуқига эга бўлади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда халқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали битта инвойс бўйича қиймати 5 000 АҚШ доллариғача бўлган товар (хизмат)ларни экспорт қилишда, харидор билан ёзма шартнома тузиш талаб этилмайди ҳамда барча юридик ва жисмоний шахсларга Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға ахборот киритмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан товарлар экспортини амалга оширишга рухсат этилади.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган товарларни ўз ичига олган жўнатмалар қонунчиликда белгиланган тартибда жўнатилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

33. Мазкур Низом талабларини бажаришда келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

34. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Халқаро почта ва курьерлик
жўнатмаларини божхона назорати
ва расмийлаштирувидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган халқаро курьерлик жўнатмалари бўйича
МАНИФЕСТ**

Жўнатувчи ташкилот номи:
Манзили:
Телефон рақами:

Қабул қилувчи ташкилот номи:
Манзили:
Телефон рақами:
СТИР:

T/p	1. Тижорат хужжатининг рақами	2. Халқаро курьерлик жўнатмасининг жўнатувчиси	3. Халқаро курьерлик жўнатмасининг қабул қилувчиси ва унинг манзили	4. Халқаро курьерлик жўнатмасидаги товарларнинг қисқача номи	5. Халқаро курьерлик жўнатмасининг брутто вазни (кг)	6. Халқаро курьерлик жўнатмасининг фактура қиймати	7. Валюта номи
Жами:							

Жўнатувчи ташкилот номи, имзоси ва муҳри:

Қабул қилувчи ташкилот номи, имзоси ва муҳри:

Изоҳ. Манифестда кўрсатилган маълумотларни ўзгартирган ҳолда жадвални қайта шакиллантиришга йўл қуйилади.

Халқаро почта ва курьерлик
жўнатмаларини божхона назорати
ва расмийлаштирувидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси худудига келтирилаётган халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини
божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари	Ўзбекистон Республикаси божхона назорати худудига халқаро курьерлик жўнатмалари орқали келаётган товарлар тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг автоматлаштирилган тизимига Ягона давлат интерактив хизматлари портали (ЯДИХП) орқали дастабки ахборотни юбориш.	Халқаро курьерлик жўнатмаларининг божхона назорати амалга оширилгунга қадар
2-босқич	Божхона органи ходими	<ol style="list-style-type: none">Олдиндан келиб тушган дастабки ахборотни божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар билан таққослаш ва жўнатманинг қандай мақсадларда олиб кирилаётганлигини аниqlаш.Жўнатмаларнинг божхона назоратини амалга оширишда товарлар қонунчилик хужжатларига мувофиқ божхона тўловларига тортилмайдиган бўлса, божхона расмийлаштируви, шу жумладан, хавфни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда амалга ошириш.Жўнатмани кейинги манзилга ёки қабул қилувчига етказиш учун почта алоқаси операторлари ва провайдерларига топшириш.	<p>Ҳар бир халқаро курьерлик жўнатмаси учун 20 дақиқа</p> <p>Ҳар бир халқаро почта ва курьерлик жўнатмаси учун 20 дақиқа</p> <p>Божхона назорати якуни билан</p>

Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари	Ўзбекистон Республикаси божхона назорати ҳудудига халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини етказиш.	Халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг божхона назорати амалга оширилгунга қадар
2-босқич	Божхона органи ходими	<ol style="list-style-type: none">Жўнатмаларни божхона назорати ва расмийлаштируви, шу жумладан, хавфни бошқариш тизимини қўллаган ҳолда амалга ошириш.Жўнатмаларни кейинги манзилга етказиш учун почта алоқаси операторлари ва провайдерларига топшириш.	<p>Ҳар бир халқаро почта ва курьерлик жўнатмаси учун 20 дақиқа</p> <p>Божхона назорати якуни билан</p>

